

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ БОШҚА МАНФААТДОР
ТАШКИЛОТ ВА ИДОРАЛАРИ, ХОРИЖИЙ ВА ХАЛҚАРО
ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА
МАЪЛУМОТ**

Халқ таълими вазирлиги ЮНИСЕФ, Жаҳон банки, USAID, Швейцария элчихонаси каби халқаро ва хорижий давлат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади. Жумладан, Республика таълим маркази ЮНИСЕФ билан биргаликда умумий ўрта таълим бўйича “Миллий ўқув дастури” лойиҳасини ишлаб чиқди. Хусусан, ЮНИСЕФ кўмагида халқаро масалалар бўйича британиялик эксперт-маслаҳатчи Метью Голди-Скотт ишлаб чиқиш жараёнига жалб қилинган бўлиб, у ZOOM платформаси орқали мавзулар бўйича бир гуруҳ экспертлар учун 200 дан ортиқ онлайн семинарлар ўтказди. Шунингдек, “Миллий ўқув дастури” лойиҳаси асосида ўқитиш методикаси бўйича семинарлар ўтказилди.

USAID ҳамкорлик доирасида мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари инглиз тили ўқитувчиларининг касбий билимлари ошириб бориляпти, дарс бериш бўйича ўқув семинарлари доимий равишда ҳар бир вилоятда олиб бориляпти. Ундан ташқари 1-4 синф ўқувчиларининг ўқиш ва математика фанлари бўйича билимларининг баҳолаш тизими йўлга қўйилди. Яна америкалик ҳамкорлар билан 400га нафар ўқитувчиларни TESOL халқаро сертификатига эга бўлиши ишлари олиб бориляпти.

Швейцария элчихонаси гранти ҳисобига Инновация, технология ва стратегия маркази билан ҳамкорликда ICT4Girls лойиҳаси амалга оширилиб, бунда ўқувчи қизларни ривожланаётган соҳа-IT соҳасида ўз билим ва малакаларини ошириш имконига эга бўлмоқдалар.